БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 255 (2546). | 28 декабрь, шанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ. СЕССИЯ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1964-1965 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1964-1965 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1962 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДА. СЕССИЯ БУГУН ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.

★ ★ ★



Суратда: сессия залида.
И. Глауберзон ва А. Палехов фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 декабрда Тошкентда, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси очилди.

Раис столи ёнида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат О. СОДИҚОВ ва унинг ўринбосарлари депутатлар П. ЕРЖАНОВА, В. И. КОВАЛЬ, Ф. Д. ЎРИНБОЕВА, А. Р. ХУЖАЕВ ўрин оладилар.

Олий Совет ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини текшириш натижалари ҳақида Мандат комиссиясининг докладини тинглади. Мандат комиссиясининг аъзоси депутат Г. М. ОРЛОВ доклад қилди. Олий Совет қарор қилди:

«Ўзбекистон ССР Конституциясининг 33-моддасига асосан, Мандат комиссиясининг тақдимига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари: 203-Қўрғонтепа сайлов округидан 1963 йил 25 августда сайланган ЖАМОЛИДДИН АБДУРАҲМОНОВ; 272-Совхоз сайлов округидан 1963 йил 13 октябрда сайланган ЕГЕМҚУЛ ТАСАНБОЕВИЧ ТАСАНБОЕВнинг ваколатлари тўғри деб топилсин».

Депутат М. АКМАЛОВАнинг таклифига биноан, сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади;

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилги Давлат плани тўғрисида. Масалани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети киритади.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1964—1965 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1962 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида. Масалани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети киритади.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш. Масалани Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми киритади.

Бу масалаларни муҳокама қилиш тартиби ҳам тасдиқланади.

Қабул қилинган кун тартибига биноан, Олий Совет Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси депутат С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВнинг «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилги Давлат плани тўғрисида» ва Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. МУРОДХУЖАЕВнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1964—1965 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1962 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладларини тинглади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат Г. Ғ. ЮСУПОВ Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилги Давлат плани тўғрисида, Ўзбекистон ССРнинг 1964—1965 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1962 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг қўшимча докладини қилди.

Тингланган докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Биринчи мажлисдаги музокараларда депутатлардан Р. ФАЙЗИЕВ (Андижон область, Избоскан сайлов округи), Н. М. МУРОДОВ (Хоразм область, Питнак сайлов округи) сўзга чиқдилар.

* * *

Кундузи соат 3 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бошланди. Бу мажлисда сессия кун тартибининг дастлабки икки масаласи юзасидан музокаралар давом этди. Музокараларда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. АСОМОВ, Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари В. А. ПОНОМАРЕВ, депутатлар Б. Х. МАЪЗУМОВ (Фарғона область, Палосон сайлов округи), Х. САИДАҲМЕДОВ (Сурхондарё область, Пўлоти сайлов округи), Н. Б. БОЗОРОВ (Бухоро область, Ромитон сайлов округи), Қ. МАҲҚАМОВА (Тошкент область, Келес сайлов округи), И. В. БАБКОВ (Сурхондарё область, Яккабоғ сайлов округи), Е. Т. ТАСАНБОЕВ (Сирдарё область, Совхоз сайлов округи), К. М. КАМОЛОВ (Самарқанд область, Пушкин сайлов округи), З. ҒАНИЕВ (Фарғона область, Қўдаш сайлов округи), У. НУРУЛЛАЕВА (Хоразм область, Қўшкўпир сайлов округи), А. А. ХУЖАЕВ (Тошкент область, Оҳангарон сайлов округи), И. МУМИНОВ (Хоразм область, Янгибозор сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ШОНЛИ ҒАЛАБА

Республикамиз пойтахти саноат корхоналари коллективлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми тарихий қарорларини амалга оширабориб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича етти йилликнинг бешинчи йилига мўлжалланган планни муддатидан илгари —23 декабрда муваффақиятли адо этганликлари ҳақида она-Ватанга рапорт бердилар. Химия саноати корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари, айниқса, баракали меҳнат қилдилар. Улар ялпи химия маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик топшириғини 18 декабрдаёқ бажардилар.

Шаҳар саноатчилари йил охиригача яна ўнларча миллион сўмлик турли хил маҳсулотлар, жумладан пахта териш машиналари, трактор прицеплари, кўрак чувийдиган агрегатлар, брон кабели, қоғоз, ип, газлама, ички трикотаж кийимлари, чарм пойафзал, рўзғор холодильниклари ишлаб чиқарадилар.

Шу йилнинг 11 ойи ичида меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 2,3 процентдан ортиқ адо этилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,6 процент ортиқдир. Шаҳар саноати корхоналари коллективлари товар маҳсулоти таннархини камайтиришда ҳам дуруст натижаларни қўлга киритдилар. Шу туфайли йилнинг ўн ойи мобайнида белгиланганидан ташқари 3 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий жамғарма олинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ХИМИЯ—ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади юзасидан музокаралар

Илгари хабар қилинганидек, 26 декабрда Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**нинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш ҳамда халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти бўлган химия саноатини жадал ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Андижон қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари **А. Ҳайдаров** минбарга чиқади. Андижон областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, дейди у, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини зўр хурсандлик билан кутиб олдилар. Пленумнинг тарихий қарорлари халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг янги ажойиб истиқболларини мамлакатимизга яқол очиб берди.

Областимизнинг колхозчилари ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари партия ташкилотининг раҳбарлигида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, аввало, пахтачиликни юксалтириш учун курашда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Область давлатга 818 минг тонна пахта сотди. 312 минг тонна пахта машиналарда териб олинди. Давлатга пилла, гўшт, дон, жун, тухум, сабзавот ва қовун-тарвуз сотиш топшириқлари бажарилди.

Фақат областимиз ва республикамиз учунгина эмас, шу билан бирга бутун Ўрта Осиё иқтисодий райони учун ҳам аҳамиятли бўлган баъзи масалаларни ҳал этишни турмуш қатъий талаб қилмоқда. Агроном, механизатор ва агрохимик кадрлар тайёрлаб берадиган ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган пахтачилик институти ташкил этиш керак. Бу институтни Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация институтининг Андижон филиали ҳамда қишлоқ хўжалик институти негизида вужудга келтириш мумкин.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан руҳланган область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун зўр бериб курашмоқдалар.

Ўрта Осиё Халқ хўжалик кенгашининг раиси **С. И. Кадишевга** сўз берилади. У, Ўрта Осиёда химия саноатини ривожлантириш истиқболларини батафсил гапириб ўтди. Ўрта Осиё иқтисодий районининг мамлакатдаги кўпгина районлардан қулайлиги шундаки, бизда табиий газнинг, турли минерал хом ашёнинг жуда бой запаслари бор, гидроэнергетика ва меҳнат ресурсларимиз етарли, иқлим шароитимиз яхши.

1961—1965 йилларда химия саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни бундан ҳам кўпайтиради. Иқтисодий райондаги химия саноатини ривожлантиришда 190 миллион сўмдан зиёдроқ, яъни ўтган беш йилдагига қараганда бир ярим баравар кўп маблағ ажратилади. Жамики капитал маблағнинг 76 проценти Ўзбекистоннинг химия саноатига сарфланади.

1970 йилга бориб Ўрта Осиёда химия маҳсулоти ишлаб чиқаришни 4—4,5 баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Ўнлаб янги химия корхоналари қурилиши ва ишлаб турган корхоналарнинг кўпчилиги реконструкция қилиниши лозим.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари ҳақиқатан тарихий аҳамиятга эга. Бу қарорларни бажариш мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришни тезлаштиради.

— Химия саноатини жадал ривожлантиришнинг жуда катта программасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми,— деди Фарғона саноат область партия комитетининг биринчи секретари **С. Расулов**,—партиямиз ва совет халқининг тарихида коммунизм учун курашнинг жуда катта босқичини бошлаб берган Пленум бўлиб қолади.

Фарғона областининг меҳнаткашлари ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Декабрь Пленуми шарафига социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. Фарғона областидаги саноат корхоналарининг коллективлари ялпи маҳсулот чиқариш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1958 йилги май Пленумидан кейин бизнинг областимиз улкан химия йўлида катта қадам қўйди ва химия саноати ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ҳажми жиҳатидан республикада иккинчи ўринни олиб турибди.

Область партия комитети, шаҳар партия комитетлари ва химия корхоналарининг бошланғич партия комитетлари химиклар ва бинокорларнинг коллективларини шу корхоналар олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилмоқдалар.

Фарғонадаги фуранли бирикмалар лабораторияси маҳсулотнинг янги турларини яратишда катта роль ўйнади. Бу лаборатория кислота, ишқор, қаттиқ иссиқ таъсирига бардош берадиган полимер материаллар яратишга ихтисослаштирилмоқда.

1964 йилда азотли ўғитлар заводида янги қувватлар ишга туширилади. Аммиакли селитра ишлаб чиқариш икки баравар кўпайтирилади. Бундан ташқари завод хлормагнийли дефолиантлар ишлаб чиқаришга киришади. Қўқон суперфосфат заводи 1965 йилдан бошлаб суперфосфатни фақат аммонийлаштирилган тарзда ишлаб чиқарадиган бўлади. Фуранли бирикмалар заводида бир қанча янги қувватлар, шу жумладан қишлоқ хўжалигига керакли химиявий препаратлар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилади.

Нефтни қайта ишлаш заводлари негизида нефть химиясини ривожлантириш имконияти бизда катта. Лекин хом ашё билан нормал равишда таъминланмай, анча қийналмоқдамиз. Нефть топиш мақсадида геология-қидириш ишларини кучайтириш, Бухоро—Фарғона нефть қувури қуриш масаласини кўриб чиқиш зарур бўлиб қолди.

Химия фанлари доктори, Тошкент давлат университетининг ректори **О. С. Содиқов** минбарга чиқади. У, ғўзани химия нуқтаи назаридан комплекс тадқиқ қилиш, пахта толаси, чигитдангина эмас, шу билан бирга унинг бошқа маҳсулларидан ҳам фойдаланиш йўлларини топиш тўғрисида гапириб, ғўза жуда бой хазина эканлигини кўрсатиб ўтди.

Чигитни экиш учун силлиқ қилиб тозалаш оммавий тус олиб бормоқда ва бу иш келгусида яна да кенгайтирилади. Шу сабабли республика ҳар йил 200 минг тоннага яқин делинт олиши мумкин. Делинтни хилма-хил соҳаларда қўлланса бўлади.

Ғўзапоя — пахтачиликнинг энг катта чиқитларидан бири. Шу вақтгача ғўзапоядан ўтин тарқасида фойдаланилмоқда. Химиклар ва технологлар гидролиз усули билан ғўзапояни химиявий қайта ишлаш масаласини ҳал қилиб бердилар. Ғўзапоядан сервитамин озуқа ачитқилари, фурфурол тайёрлаш мумкин.

Гидролиз ишлаб чиқаришининг асосий чиқити бўлган лигниндан фойдаланиш масалалари ҳам ҳал қилинди. Ўзбекистоннинг гидролиз заводлари активланган кўмир ўрнида ишлатиладиган коллактивитни ва ёпишқоқликни камайтирадиган нитролигнини шу материалдан ҳосил қилмоқдалар. Ғўзанинг госсипол деб аталган заҳарли пигментидан фойдаланиш истиқболи ҳам катта.

Химиклар ва технологлар госсиполдан халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланиш мумкинлигини исботлаб бердилар.

Ғўза баргидан кенг ва хилма-хил фойдаланиш мумкинлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Ғўза баргидан, масалан лимон ва олма кислоталари ҳосил қилинмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумини ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, биз, химиклар КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини амалга оширмоқ учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

— Химияни жадал ривожлантириш, — деди Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Шамсиддинов**, — халқимизнинг ҳаётий манфаатларига жуда мос бўлиб тушади, минерал ўғитлар, дефолиантлар ва гербицидлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтирмоқ учун зарур шароит яратиб беради. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг, совет кишилари моддий фаровонлигини оширишнинг энг яхши йўлидир.

Область партия ва совет ташкилотлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари билан бирга муттасил мўл ҳосил олиш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар. Ҳар хил минерал ўғитлар, гербицидлар, заҳарли химикатлардан қанча керак бўлиши аниқланмоқда.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан курашмоқ учун бизнинг шароитимизда энг оддий механизмлардан, қўл аппаратларидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Аммо бундай аппаратларни ишлаб чиқариш деярлик тўхтатиб қўйилди. Шу аппаратларга керакли запас қисмларни топишнинг иложи йўқ.

Навоий химия комбинатининг директори **С. Б. Корко** сўзга чиқиб айтдики, Навоийда химия комбинати қурилаётганлиги партия ва ҳукумат Ўзбекистоннинг химия саноатини ривожлантиришга ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатиб турибди. Бу комбинат табиий газ чиқадиган жойга яқин ерга қурилмоқда. Газдан комплекс фойдаланиш Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида кенг равишда ишлатиладиган арзон маҳсулот олишга имкон беради.

Олдимизда масъулиятли вазифа турибди. Комбинатни 1964 йилнинг ноябрида ишга туширамиз, деб бинокорлар ва монтажчилар билан бирга мажбурият олдик. Бизга ускуналар етказиб беришни тезлатиш, бизни пул билан таъминлашни яхшилаш, лойиҳа топшириғини тезроқ тасдиқлаш керак. Биз 1964 йилда аммиакни халқ хўжалик планида белгиланганига қараганда икки баравар кўп ишлаб чиқарадиган қувватларни ишга туширмоқчимиз.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари бинокорлар, монтажчилар ва комбинатда ишловчилар коллективига янги ғайрат бағишлади ва Навоий химия комбинати 1964 йилнинг ноябрида ишга туширилишига аминмиз.

Тошкент области меҳнаткашлари, — деди Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари **П. В. Каймаков**, — КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини, химия саноатини ривожлантириш ва мамлакат халқ хўжалигини химиялаштириш соҳасида Пленум белгилаб берган жуда катта программани зўр мамнуният билан маъқуллаб қабул қилдилар. Бу программани амалга ошириш қишлоқ хўжалигини ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини янада юксалтиришни ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлайди.

Область саноати етти йиллик топшириқларини анча ошириб бажармоқда. Ўтган беш йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1.65 баравар кўпайтирилди, топшириқда мўлжалланганига қараганда бир неча ўн миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги қариб 40 процент ошди. Маҳсулот таннархини камайтириш натижасида 27 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди.

Химикларимиз яхши ишламоқдалар. Химия саноати корхоналари йиллик планни муддатидан олдин бажариб, мамлакатга пландан ташқари бир қанча миллион сўмлик маҳсулот берадилар. Областимизда янги химия ва энергетика қувватлари ишга туширилди. Оҳангарон цемент заводида учинчи технология линияси, Чиғириқда металл конструкциялар заводи ишга туширилди. Олмалиқ мис эритиш заводида қурилиш — монтаж ишлари асосан тугалланди. Яқин фурсатда бу завод мис бера бошлайди.

Республика химия индустриясининг тўнғичи бўлган Чирчиқ электрохимия комбинати тўхтовсиз кенгайтирилмоқда, бу комбинатда янги объектлар ва корхоналар вужудга келтирилмоқда. Комбинатда қишлоқ хўжалиги учун энг қимматли химиявий маҳсулот бўлган карбамид ишлаб чиқарувчи қувватлар яқинда ишга туширилади. Қурилиш-монтаж ишлари тугалланди ва келгуси йилнинг биринчи кварталида комбинат карбамид тайёрлаб беришга киришади.

Химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқларида кенг жорий қилинадиган бўлиб қолди. Химиялаштиришнинг фойдаси жуда катта. «Ташкентканефтьсинтез» заводида кабель ишлаб чиқаришда ўриндош материаллар ишлатиш ҳисобига 1959 йилда атиги 60 тоннага яқин қўрғошин тежалган бўлса бу йил 117 тоннадан кўпроқ қўрғошин тежалди. Кабель ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат 30 процент камайди.

Аммо, биз буларнинг ҳаммасини биринчи қадамлар деб биламиз. Ҳали биз жуда мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал қилишимиз керак. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, 1964 — 1965 йилларда химия саноати маҳсулотининг ҳажми камида 35 процент кўпайтирилиши лозим. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади. Лаккўёқ заводида лак эмали ишлаб чиқарадиган катта цех қурилиши лозим, бошқа химия корхоналарида қувватлар кенгайтирилиши, шунингдек Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган катта қувватлар вужудга келтирилиши лозим.

Чирчиқ электрохимия комбинатида карбамид ишлаб чиқарадиган яна бир комплекс қуриш тўғрисидаги таклиф кенг қувватланди. Бу масалани тезроқ ҳал қилиш керак. Агар бунинг учун керакли ускуналар хозирги вақтдагидек бизга юборилиб турса, мавжуд лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланиб, бу комплектни қуриш ишларини дарҳол бошлаб юборишимиз мумкин.

Ўртоқ Рашидовнинг докладида Оҳангарон пластмасса буюмлари заводини тезроқ ишга тушириб, қурилиш эҳтиёжларини 1964 йилдаёқ таъминлашга кириши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Лекин бу заводга ускуналар етказиб бериш 1965 йил 1 квартал планига киритилган. Бу заводнинг муҳимлигини ва аҳамиятини ҳисобга олиб, бу муддатлар олдинга суриласа, бу заводни муддатидан олдин ишга туширган бўлур эдик.

Тошкент области партия ташкилоти резервлардан тўлароқ фойдаланиб, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг директори **Ё. Ю. Алиева** сўз берилади. У, олимларнинг минерал ўғитлар сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтириш проблемалари устида ишлаётганликларини айтиб берди. Химия институти коллективи бошқа институтлар билан ҳамкорликда ишлаб. янги ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ва мавжуд ўғитларни ишлаб чиқаришни яхшилашнинг бир қанча оригинал усулларини кўрсатиб берди.

Биз суюқ мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришнинг янги методини таклиф қилдик. Бу метод камчил олтингугурт кислотани тежашга имкон беради. Суюқ мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш натижасида жуда кўп пул ҳам тежалади. Бу ишнинг истиқболи катта.

СУМ—1 номли мураккаб қаттиқ ўғит кенг миқёсда синовдан ўтказилди.

Биз тағин ҳам концентрлаштирилган комплекс ўғитлар яратиш ишларини давом эттирамиз. Қўш суперфосфат ишлаб чиқаришда ўғитлар ишлаш билан аммонийлашган аммиак, аммонийлашган аммиакли селитра ишлаб чиқаришни бошлаб юбориш керак. Шу тарика фойдали ўғитларнинг хили кўпаяди. Тупроқ структурасини яхшилашга хизмат қиладиган моддалар яратиш устида иш олиб боришнинг аҳамияти катта.

Янги яратилган ўғитлар, заҳарли химикатлар, гербицидлар, дефолиантларни биологик ва агрохимия жиҳатидан синаб кўришнинг роли катта. Биз ўсимлик моддаларига доир, айниқса алкалоидлар химиясига доир кўпгина препаратлар яратдик. Лекин бу препаратларни синовдан ўтказиш жуда оқсамоқда. Бу эса, фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга халақит бермоқда. Бутун партия ва халқнинг эътибори химияни юксалтиришга қаратилган ҳозирги вақтда, Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтиб ўтганидек, фаннинг янги муваффақиятларини, янги технологияни, янги материаллар ва буюмларни жорий қилиш соҳасида ҳамма юксак даражада манфаатдорлик кўрсатиб, жон куйдириб, аҳил бўлиб, коллектив равишда иш олиб бориши керак.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бош агрономи **В. П. Бакулин** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида гапириб, бу йил совхоз коллективи янги меҳнат ғалабасига эришганлигини кўрсатиб ўтди. Давлатга 15300 тонна арзон пахта топширилди. Пахта ҳосили мисли кўрилмаган қисқа муддатларда ва асосан машиналар билан териб олинди.

Ўзбек парвариш қилишда янги технология қатъий жорий қилинганлиги, механизация юксак даражага кўтарилганлиги, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши химиявий кураш воситалари ва ғўза барглари тўкдириш ўз вақтида жорий қилинганлиги туфайли мана шу муваффақиятлар қўлга киритилди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар совхозда синаб кўрилган тажрибага мувофиқ муайян муддатларда ва муайян миқдорда солинмоқда. Фосфор ва калий тузлари ерни шудгорлаш вақтида солинади. Биринчи культивация вақтида ҳам азотли ва фосфорли ўғитлар соламиз. Сўнгра ғўза шоналаётган ва гуллаётган вақтда ерни ўғитлаймиз. Ғўзаларни ўғитлашни июлнинг бошларида тамомлаймиз. Бундан кўра кечроқ муддатларда ўғитлаш ғўзанинг ўсишини, бинобарин эса, кўсакларнинг очилишини ва пахта теришни кечиктириб юборади, деб ҳисоблаймиз.

Совхозда ерга солинадиган ўғитларнинг миқдори ўзимизда қабул қилинган схемага қараб, шунингдек тупроқнинг тобига қараб белгиланади.

Юксак даражада механизациялашган ҳозирги пахтачилик хўжалигини ҳамма ишлар бири-бирига туташган поток линия деса бўлади. Бу линиянинг бирор халқаси бўшашиб кетса, бутун поток линияси, бутун конвейер ёмон ишлайди. Бизнинг хўжалигимизда химия воситаларидан фойдаланиш одат бўлиб қолди.

— Чирчиқ химиклари, — деди Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори **В. Қодиров**, — КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг химия саноатини жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорини жуда хурсанд ўтгитлар совхозда синаб кўрилган тажрибага мувофиқ муайян муддатларда ва муайян миқдорда солинмоқда. Фосфор ва калий тузлари ерни шудгорлаш вақтида солинади. Биринчи культивация вақтида ҳам азотли ва фосфорли ўғитлар соламиз. Сўнгра ғўза шоналаётган ва гуллаётган вақтда ерни ўғитлаймиз. Ғўзаларни ўғитлашни июлнинг бошларида тамомлаймиз. Бундан кўра кечроқ муддатларда ўғитлаш ғўзанинг ўсишини, бинобарин эса, кўсакларнинг очилишини ва пахта теришни кечиктириб юборади, деб ҳисоблаймиз.

Совхозда ерга солинадиган ўғитларнинг миқдори ўзимизда қабул қилинган схемага қараб, шунингдек тупроқнинг тобига қараб белгиланади.

Юксак даражада механизациялашган ҳозирги пахтачилик хўжалигини ҳамма ишлар бири-бирига туташган поток линия деса бўлади. Бу линиянинг бирор халқаси бўшашиб кетса, бутун поток линияси, бутун конвейер ёмон ишлайди. Бизнинг хўжалигимизда химия воситаларидан фойдаланиш одат бўлиб қолди.

— Чирчиқ химиклари, — деди Чирчиқ электрохимия комбинатининг директори **В. Қодиров**, — КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг химия саноатини жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорини жуда хурсанд бўлиб қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ва Бухорода табиий газ кони топилганидан бери ўтган беш йил ичида комбинатни реконструкция қилиш ва уни табиий газ билан ишлашга кўчириш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Метан билан углеродни биргаликда конверция қилиш цехи ишга туширилди, бу эса, аммиакли ўғитлар ҳосил қилиш учун табиий газдан хом ашё тарқасида фойдаланишга имкон берди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг арафасида лойиҳачилар, бинокорлар, монтажчилар ва комбинат ходимлари биргаликда ҳаракат қилиб, аммиак ишлаб чиқарадиган охирги қувватларни ишга туширдилар. Комбинат аммиакни етти йилликнинг охири учун мўлжалланган миқдорда ишлаб чиқарадиган бўлди.

Чирчиқ химиклари қувватларни тўхтовсиз кўпайтиришни, техника-иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилашни ўзларига асосий вазифа қилиб олдилар. Партия ташкилотимизнинг диққат марказида ҳам ҳамиша шу масала турибди. 1965 — 1970 йилларда маҳсулот чиқаришни анча кўпайтириш, янги қувватларни ва маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш вазифаси олдимизда турибди. Келгуси йил март ойида комбинат ғоят концентрлаштирилган озуқабоп, техникабоп ва донадор карбомид ишлаб чиқаришни Ўрта Осиёда биринчи бўлиб бошлаб юборади. Донадор аммиак селитра ишлаб чиқаришга ўтиш ишлари иккинчи кварталда тамомланади.

Мавжуд қувватларни реконструкция қилиш ва янги қувватларни ишга туширишни комбинатда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни 1963 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтиришга имкон беради.

Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи учинчи цехининг смена бошлиғи **Н. Г. Еришева** минбарга чиқади.

(Давоми учинчи бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР XVI ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Бугун кундуз соат 4 да Навоий номли театр биносида Тошкент шаҳар XVI партия конференцияси очилади.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1964 ВА 1965 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси депутат С. ЗИЁДУЛЛАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари туфайли совет халқининг сиёсий ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда ўтмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет кишилари сингари ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини ва Пленум қарорларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Пленум мамлакатимиз экономикасини коммунизм қурилиши йўлида ривожлантириш соҳасида янги муҳим босқич бўлди. Химия саноатини жадал ривожлантириш — коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун, техникани тез суръатлар билан тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, шу жумладан пахтачиликни тез юксалтириш учун ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун калитдир.

Яқиндагина СССР Олий Советининг учинчи сессияси тамом бўлди. Бу сессия 1963 йилги ва етти йилликнинг беш йилги планининг бажарилишига якун ясади ҳамда етти йилликнинг тугалланувчи икки йилига мўлжалланган СССР Халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планини ва СССР Давлат бюджетини тасдиқлади.

Республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964 —1965 йилги Давлат плани лойиҳасини сизларнинг муҳокамангизга тақдим этади. План лойиҳаси КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг ҳамда СССР Олий Совети учинчи сессиясининг қарорларига тўла мувофиқ тарзда тузилган.

1963 ЙИЛДА ВА ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЎТГАН БЕШ ЙИЛИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛИШИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

КПСС XXI ва XXII съездларининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ғоят катта ёрдами туфайли 1963 йилда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда янги ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Республика саноатининг ходимлари 25 декабрда йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари билан Ватанни хурсанд қилдилар. Улар йил охиригача плондан ташқари ўн миллионларча сўмлик маҳсулот берадилар, маҳсулот ишлаб чиқариш 1962 йилга нисбатан 9 процент ортади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш плани ҳам ошириб бажарилди, деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

1963 йилда саноат маҳсулоти ишлаб, чиқариш 1958 йилдагига нисбатан контроль рақамларда кўрсатилган 53,6 процент ўрнига тахминан 56 процент ортади.

Оғир саноатнинг асосий тармоқлари умуман саноатга қараганда юксакроқ суръатлар билан ривожланди. Республика саноат маҳсулотининг ўсиш суръати ўрта ҳисобда йилига умуман 9,3 процентни ташкил қилган бўлса, оғир саноат тармоқлари бўйича бу суръат 16,1 процентга етди. Оғир саноат маҳсулотининг улуши 1958 йилдаги 35,8 процентдан 1963 йилда 48 процентга етди.

Пўлат, прокат, вольфрам концентрати, металл молебдини, экскаватор, пахта териш машинаси, сеялка, культиватор, пахтани қопқанорсиз ташиш учун трактор прицеплари, чанглагич ва пуркагич, центробеж насос, дизел, трансформатор, мол ёғи ва маҳсулотнинг кўпгина бошқа турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1963 йилга белгиланган даражага ҳозироқ етиб олинди ёки бу даражадан ошиб ҳам кетилди.

Етти йилликнинг ўтган беш йили ичида капитал маблағ сарфлаш ҳажми 2,5 миллиард сўмни ташкил қилди, бу эса илгариги беш йилликда сарфланган капитал маблағ ҳажмидан икки баравар кўпдир. Шу йиллар ичида 341 саноат корхонаси ва турли цехлар, шу жумладан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона азотли ўғит заводининг биринчи навбати, Олтинтопкан қўрғошин-рух ва мис кон-металлургия комбинати сингари корхоналар ишга туширилди.

Қишлоқ ва сув хўжалигининг бир қанча муҳим объектлари: Чимқўрғон сув омбори, Жанубий Сурхон сув омборининг биринчи навбати, Каркидон сув омборининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Ўн минглаб гектар янги ер суғориш учун тайёрлаб қўйилди.

Янги юксак даражадаги индустриал ишлаб чиқариш — йирик панелли иморатсозлик вужудга келтирилди. Умумий қуввати 450 минг квадрат метр уй-жой майдони қуришга қурби етадиган ана шу турдаги 10 та завод қурилди. Республика цемент заводларининг ишлаб чиқариш қуввати беш йил ичида беш баравардан зиёдроқ ошди.

Республиканинг бутун халқ хўжалигидаги сингари саноатдаги бу муваффақиятларга ҳам ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциянинг фидокорона меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, фан ва техника ютуқларини жорий қилиш тадбирларини амалга ошириш, корхоналарни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида эришилди. Республикада социалистик мусобақа борган сари кенг қулоч ёймоқда, коммунистик меҳнат ҳаракати тобора оммавий тус олмоқда. Бу ҳаракатда ҳозир 800 дан кўпроқ корхона, мингларча цех, участка, смена ва бригадалар иштирок этмоқда.

Бу йил республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар қўқламда об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши туфайли вужудга келган катта қийинчиликларни ўз қаҳрамонона меҳнатлари билан бартараф этдилар. Республика пахта юзасидан давлат планини ва социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариб, давлатга 3 миллион 686 минг тоннадан кўпроқ пахта сотди, бу эса ўтган йилдагидан қарийб 680 минг тонна кўпдир. Ўзбекистон пахтачиликнинг бутун тарихида ҳали ҳеч қачон шунча кўп пахта териб олмаган эди. Шуниси қизиқарлики, пахтанинг 90 проценти биринчи сортларга топширилди.

Республикада пахта тайёрлаш планини биринчи бўлиб Сурхондарё области бажарди. Бу область давлатга 476 минг тонна, яъни 1962 йилдагига нисбатан 95 минг тонна кўп пахта топширди. Давлатга 818 минг тоннадан кўп «оқ олтин» сотган орденли Андижон областининг пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар. Улар ўтган йилдагига қараганда 146 минг тонна кўп пахта топширдилар.

Хоразмлик пахтакорлар ҳақли равишда мамлакатда шуҳрат қозондилар. Улар бу йил ҳар гектар ердан 31 центнердан пахта олиб, ўз социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтиришдаги катта муваффақиятлари ҳамда 1963 йилда социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганлиги учун Хоразм области СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ленин ордени билан мукофотланди.

Фарғона области илгариги қолоқлигини бартараф этиб, пахта етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 27 процент, Бухоро области эса 40 процент оширди. Бу областларнинг ҳар иккаласи ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Орденли Тошкент областининг пахтакорлари астойдил меҳнат қилиб, планни муваффақиятли бажардилар. Орденли Самарқанд областининг пахтакорлари зўр уюшқоқлик ва маҳорат намунасини кўрсатиб, табиий офатнинг айниқса оғир оқибатларини бартараф эта олдилар ва белгиланган топшириқни шараф билан бажардилар. Янги Сирдарё областининг пахтакорлари 1962 йилда териб олинган 295 минг тонна ўрнига бу йил 410 минг тонна пахта етиштирдилар. Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозлари ўтган йилдагидан кўпроқ пахта териб олдилар.

Умуман республикада пахта ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 3,4 центнер ошди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил пахта теримини механизациялаш вазифасини ҳал этишда туб бурилиш йили бўлди. Машиналарда 577 минг тонна — ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп пахта териб олинди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Республика колхоз ва совхозлари донли экинлардан мислсиз мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга 19 миллион пуд дон сотдилар. Бу эса, ўтган йилдагидан деярли икки баравар кўп демакдир. Шу жумладан, қарийб икки ярим миллион пуд шоли сотилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 17,4 минг тонна юқори сифатли пилла топширдилар — бу эса ўтган йилги мавсумдагига қараганда 2,1 минг тонна кўпдир. Ўтган йилларда бўлганидек республикада каноп поясидан дунёда энг юқори ҳосил олинди. Давлатга контроль рақамларда етти йилликнинг охирги йили учун мўлжалланганига қараганда, қарийб икки баравар кўп каноп пояси сотилди. Ўтган йилги кўрсаткичлардан деярли бир ярим баравар ўзиб кетган тамакичилик колхозлари ҳам Ватанни хурсанд қилдилар. Сабзаводчилар ва боғдорчилик-узумчилик колхозлари ва совхозлари мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Республика қорақўл тери етиштириш планини ошириб ado этди. Давлатга белгиланган топшириқдан анча кўп тухум етказиб берилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари оталарча ғамхўрлик кўрсатиб, жуда катта ёрдам бергانликлари учун жонажон Коммунистик партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига чин кўнгилдан катта раҳмат демоқдалар.

Бу катта ютуқлар меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати ва ишлаб чиқариш бошқармалари, республиканинг партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари моҳирлик билан олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг натижасидир.

1963 йилда аҳолининг моддий фаровонлиги даражасини янада ошириш соҳасида, транспорт, алоқа, уй-жой коммунал хўжалиги ишларида, фан, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш соҳасида муваффақиятлар қўлга киритилди.

Етти йилликнинг ўтган беш йили ичида давлат капитал маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобига умумий саҳни 8,8 миллион квадрат метр бўлган уй-жой қурилди, бу эса, контроль рақамлар топширигидан анча кўпдир.

Умумий таълим мактабларида ҳозир 1.971 минг ўқувчи таълим олмоқда, бу эса контроль рақамларда белгиланган топшириқдан 315 минг киши кўпдир. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги студентлар ва ўқувчилар 186 минг киши бўлиб, контроль рақамларнинг топширигидан 30 минг киши кўпдир. Мактабгача тарбия давлат муассасаларида 195 минг бола тарбияланмоқда.

Касалхоналардаги ўринлар сони 1958 йилдаги 48,3 мингтадан 1963 йилда 84,3 мингтага етди. Киноустановкалар, клублар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйларининг шохобчалари анча кенгайтирилди.

1963 йилда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Ўзбекистон ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлигининг яна бир ифодасини кўрдик — республикада рус адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди. Декада халқлар бузилмас дўстлигининг янада бир ифодасини кўрдик — республикада рус адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди. Декада халқлар бузилмас дўстлигининг янада бир ифодасини кўрдик — республикада рус адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди. Декада халқлар бузилмас дўстлигини мустаҳкамлашда, ҳар иккала халқ маданиятини ривожлантиришда, ҳар иккала халқ ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик ҳиссларини ривожлантиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1964—1965 ЙИЛГИ ПЛАН ЛОЙИҲАСИ

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964 ва 1965 йилларга мўлжалланган план лойиҳаси КПСС XXI ва XXII съездлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилди. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг ва СССР Олий Совети учинчи сессиясининг қарорларида баён қилинган асосий принциплар ва йўналишлар план лойиҳасининг негизи бўлди.

Ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ план лойиҳаси икки йилга мўлжаллаб тузилди, бу эса планлаштиришнинг узлуксиз бўлишини таъминлайди ҳамда корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар фаолияти учун яхшироқ шароит яратади.

План лойиҳасини республика Госплани Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши, Средазгосстрой, Средазхлопок, министрликлар, бошқармалар ва область ташкилотлари билан биргаликда тайёрлади. План лойиҳасини ишлаб чиқиш бевосита корхоналарда ва қурилишларда бошланди. Бу иш партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, ишчилар, инженерлар ва олимларнинг кенг иштироки билан амалга оширилди. Бу эса, ишлаб чиқариш ва қурилишдаги ички резервларни тўлароқ аниқлашга ёрдам берди.

План лойиҳасида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

— энг прогрессив тармоқларни, биринчи навбатда, химия саноатини, айниқса минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, пластмасса, химиявий тола, озиқ-овқат хом ашёсининг ўрин-дошларини ишлаб чиқаришни ҳамда химия саноати билан боғлиқ тармоқлар — химия машинасозлиги, газ ва нефть саноати, нефть химиясини устун даражада ривожлантириш;

— ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш асосида қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни жадал ривожлантириш, шунингдек пахта ва дон етиштиришни кўпайтириш учун ирригация қурилишини кенгайтириш;

— фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига кенг жорий қилиш ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш;

— аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ва маишатини яхшилаш.

Ҳисоботларга қараганда, республика аҳолиси икки йил ичида 564 минг киши кўпайди ва 1965 йилда 10 миллион 195 минг кишига етади. Экономиканинг ўстиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлган миллий даромад шу даврда тахминан 20 процент кўпаяди.

Саноатда меҳнат унумдорлигини 1964 йилда 5,2 процент, 1965 йилда 7,2 процент, қурилишда 1964 йилда 6,4 процент ва 1965 йилда 6,3 процент ошириш кўзда тутилади.

САНОАТ

Республика саноатининг ялпи маҳсулоти икки йил ичида 25 процент, шу жумладан 1964 йилда 10,9 процент (умуман СССР бўйича 6,7 процент) ва 1965 йилда 12,4 процент (умуман СССР бўйича 9,9 процент) ортади.

Саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида оғир саноат тармоқлари маҳсулотининг салмоғи икки йил ичида 51 процентга етади.

Химия ва газ саноати, рангли металлургия, электр энергияси ишлаб чиқариш ва бинокорлик материаллари саноати каби энг муҳим тармоқлар, умуман бутун саноатга нисбатан тезроқ суръатлар билан ривожланади.

Шу икки йил ичида саноатнинг ялпи маҳсулоти умуман 23 процент кўпайгани ҳолда, химия индустриясининг ялпи маҳсулоти 62,7 процент ортади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш айниқса тез суръатлар билан ривожланади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш икки йил ичида 70 процент кўпаяди.

Бу Программани бажариш учун ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унумлироқ ишлайдиган машина-ускуналар ўрнатиш чоралари кўрилиши билан бирга Чирчиқ электрохимия комбинатини тобора реконструкция қилиш. Ғарғонадаги азотли ўғитлар заводининг биринчи навбатини 1964 йилда ва Навоий химия комбинатини 1965 йилда қуриб тамомлаш кўзда тутилади. Кўқон ва Самарқанд суперфосфат заводларининг қувватидан тўлароқ фойдаланилади. 1964 йилда Фарғона азотли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини, 1965 йилда эса Самарқанд азот заводини ва Олмалиқда аммофос ишлаб чиқарадиган йирик заводни қура бошлаш кўзда тутилади.

Пахта кони бўлган Ўзбекистоннинг улкан химия республикасига ҳам айланиши учун барча имкониятлар мавжуддир. Ҳеч шубҳа йўқки, бизнинг химикларимиз, бинокорларимиз, республиканинг барча меҳнаткашлари химия саноатини жадал ривожлантириш соҳасида партия томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Кейинги беш йил ичида республика **ёқилғи саноатининг** тараққиётида миқдор ва сифат жиҳатидан жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Газ чиқарадиган кучли саноат вужудга келтирилди. Бу саноат умуман ёқилғи ишлаб чиқаришда газ салмоғини 4 процентдан 31 процентгача ошириш имконини беради. Жаҳонда энг катта деб ҳисобланган Бухоро — Урал газопроводининг биринчи тармоғи муддатидан илгари қурилиб бўлди. Халқимиз бу газопроводни ҳақли равишда «Дўстлик трассаси» деб атади.

Ўзбекистонда нефть ҳам кўп чиқарилмоқда. Аммо разведка қилиш ва нефтнинг саноат запасларини кўпайтириш плани бажарилмаётганлиги натижасида контроль рақамларда берилган топшириқлар бажарилмаётир.

Фарғона ва Ванновский заводларида нефтни қайта ишлаш кўпайтирилади. Кўмир қазиб чиқариш шу йилнинг даражасида планлаштирилади.

1964—1965 йиллар мобайнида **энергетика** ва **электрлаштириш** тез суръатлар билан ривожланади.

1965 йилда 11 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса Туркия, Греция ва Португалияни бирга қўшиб ҳисоблаганда улар олаётган электр энергияси миқдоридан ортиқдир. Етти йиллик мобайнида Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш 2,5 баравар ошади.

Республика **қора металлургиясининг** ялпи маҳсулоти 1965 йилда етти йилликнинг контрол рақамларида белгиланган топшириқдан 47 процент ошиб кетади. 1964 йилда 332,8 минг тонна пулат қуйилади, шу жумладан узлуксиз эритиш йўли билан 80 минг тонна пўлат қуйилади.

Рангли металлургия, маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ўстириш, мис рудаси чиқариш ва уни қайта ишлаш, мис ишлаб чиқариш вольфрам ва молибдин симлари ва қаттиқ қотишмалар билан таъминланган инструмент ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни ишга тушириш кўзда тутилади. Олтин ғўғурт кислотаси ишлаб чиқариш учун кенгракли сульфат газлари ҳосил қилиш мақсадида Олтинтопган мис заводида металл эритишнинг янги методи қўлланилади.

Ўзбекистон ССР шу йиллар ичида металл вольфрами ва молибдин ишлаб чиқариш жиҳатидан Совет Иттифоқи республикалари орасида биринчи ўринни эгаллайди.

Етти йил ичида **машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг** ялпи маҳсулоти контроль рақамларда кўзда тутилган 1,9 баравар ўрнига 2,9 баравар ортади. Химия саноати, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, асбобсозлик саноати ғоят тез суръатлар билан ривожланади.

Ғоят унумли ишлайдиган тежамли машиналарнинг 20 та хилини, шу жумладан осма пахта териш машинаси, тўкилган пахтани териб оладиган машина, шланг ёрдами билан суғориш машинаси, янги маркадаги самосвал тракторнинг прицепи, шунингдек кенг эгатларда ишлайдиган ва ўлларга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган сеялкалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лозим.

Машинасозлик саноатида ишлаб чиқаришни тобора ихтисослаштириш кўзда тутилади. Бу чора иқтисодий жиҳатдан катта манфаат келтиради.

Бинокорлик материаллари саноати янада тез юксалади. Цемент ишлаб чиқариш 1965 йилда 2 миллион 500 минг тоннага етказилади. Цементнинг сифати анча яхшиланади — портландцементларнинг салмоғи 1958 йилдаги 40 процентдан 1965 йилда 88 процентгача кўпайтирилади. Пигма темир бетон конструкциялари ишлаб чиқариш 22 процент ортади.

Икки йил ичида бинокорлик материаллари ва қурилиш индустриясининг бир қанча йирик корхоналари, шу жумладан пластмассадан буюм ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган Оҳангарон комбинати ишга туширилади.

Тошкентдаги уйсозлик комбинатининг қуввати оширилиб, 300 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қуришни таъминлайди. 140 минг квадрат ҳажмида уй-жой қура оладиган янги комбинат ишга туширилади.

Енгил саноат анча тез суръатлар билан ривожланади. Пойафзал, ип газлама ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш ҳам анча ортади. Халқ истеъмоли товарларининг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Корхоналарни ихтисослаштириш бўйича катта тадбирлар бажариш керак. Бу — маҳсулот чиқаришни анча кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш имконини беради.

Тошкент, Фарғона тўқимачилик комбинатларини, Марғилон шойи комбинатини реконструкция қилишни тугаллаш, Тошкентда кўн заводи, Хева ва Красногорскда тикувчилик фабрикалари ва бошқа корхоналар қуриш мўлжалланди.

План **озиқ-овқат саноатини** янада ривожлантиришни кўзда тутади. Кўқондаги ёғ-жир комбинати 1964 йилда пахта мойи ишлаб чиқаришнинг комплекс схемасини Ўрта Осиёда биринчи бўлиб жорий қилади, озуқа фосфоритлари ишлаб чиқарила бошлайди. 1965 йилда Ўрта Осиёда энг йирик деб ҳисобланган Тошкент ёғ-жир комбинатининг биринчи навбати ишга туширилади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижондаги ва бошқа шаҳарлардаги ишлаб турган корхоналарда натурал шарбат, томат маҳсулотлари ва бошқа консервалар ишлаб чиқарадиган янги механизациялаштирилган цехлар қурилади. Тошкент консерва заводи 1964 йилдан бошлаб республикада биринчи марта маккажўхоридан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришади.

Энг муҳим халқ хўжалик ва назарий проблемалар юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб бориш кўзда тутилади, фан ва техниканинг ютуқларини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига жорий қилиш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш мўлжалланди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Партиянинг топшириқларига биноан, кенг суратда химиялаштириш, механизациялаш ва суғориш ишларини ривожлантириш негизида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш йўли билан республика қишлоқ хўжалигини янада тез ривожлантириш керак.

План лойиҳасида 1964 йилда 3 миллион 450 минг тонна ва 1965 йилда 3 миллион 600 минг тонна пахта тайёрлаб давлатга сотиш мўлжалланди. Кейинги беш йил ичида ўрта ҳисобда ҳар йили 3 миллион 200 минг тонна пахта олинган эди. Энг муҳим вазифа шуки, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир ишлаб чиқариш бошқармаси пахта етиштиришни 1963 йилда эришилган даражага нисбатан янада ошириши таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим. Ҳосилдорликни ошириш — пахта етиштиришни янада кўпайтиришнинг асосий резервидир.

1964 йилдаёқ дон етиштиришни бу йил олинган 55 миллион пуд ўрнига 115 миллион пудга ва 1965 йилда 160 миллион пудгача кўпайтириш кўзда тутилади. Хусусан Қорақалпоғистон АССРда шоли етиштиришга катта эътибор берилади.

Меҳнаткашларни сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум билан таъминлашни яхшилаш учун ана шу маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тахминан бир ярим баравар кўпайтириш зарур.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин суратда кўпайтириш керак. Бунинг учун емхашак етиштириш ишини тубдан яхшилаш, маккажўхоридан мўл ҳосил олинишини, бедапояларнинг кенгайтирилишини таъминлаш керак.

План лойиҳасида икки йил ичида 1 миллион гектар яйловга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш кўзда тутилади. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, молларнинг зотини яхшилаш, чорвачилик биноларини қуриш, чорвачилик фермаларини механизациялаштириш ва бошқа тадбирлар гўшт, ёғ, тухум, жун ва қорақўл тери етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради. Пиллачилик, тамакичилик ва каноп етиштириш янада ривожлантирилади.

1964 йилда 750 минг тонна пахтани ва 1965 йилда бир миллион тонна пахтани машинада териш ва ҳосилнинг деярлик ҳаммасини қоп-қанорсиз ташиш кўзда тутилади.

Лойиҳада пахтачиликнинг ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа тармоқларнинг моддий ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

1964—1965 йилларда янги йирик қишлоқ хўжалик корхоналари — 24 пахтачилик совхози, 12 шоликорлик совхози, 9 парранда фабрикаси, 5 курт уруғи заводи, парник-теплица комбинатлари, совхозларда 35 капитал ремонт устаҳоналари ва «Узсельхозтехника» йўли билан 44 та шундай устаҳоналар қурилади.

Колхоз ва совхозларни техника билан таъминлаш учун республикамиз икки йил ичида 22 мингдан кўпроқ трактор, 11 мингдан кўпроқ осма пахта териш машиналарини тракторлар билан олади.

План КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қишлоқ хўжалигини кенг кўламда химиялаштириш ҳақидаги қарорини амалга оширишни кўзда тутади. 1964 йилда 2 миллион 170 минг тонна минерал ўғит, 1965 йилда эса 2 миллион 400 минг тонна ўғит етказиб берилади, яъни суғориладиган ерларнинг гектар бошига ўрта ҳисобда тахминан 1 тоннадан ўғит етказиб берилади. 1964 йилда пахта майдонларининг тахминан ярмида ва 1965 йилда бутун пахта майдонининг қарийб 80 процентида дефолиация ўтказиш мўлжалланди.

Сув хўжалиги қурилиши мисли кўрилмаган миқёсларда олиб борилади. 1964 йилда сарфланадиган капитал маблағ 1963 йилдагига нисбатан 80 процент, 1965 йилда эса яна 23 процент ортади. Икки йил ичида қарийб 190 минг гектар янги ерларни тайёрлаш планлаштирилади.

Сув хўжалиги қурилишининг ғоят катта кўламлари Сув хўжалиги министрлигидан ўз ишидаги камчиликларга қатъий барҳам беришни, шунингдек, республика органлари ва маҳаллий органларнинг бу министрликка ҳамда унинг ташкилотларига катта ёрдам кўрсатишларини талаб этади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш ҳажми саноат ялпи маҳсулотининг, қурилиш-монтаж ишлари товар оборотининг ва қишлоқ хўжалигининг юксалишига мувофиқ суратда белгиланди.

Юк ташиш ҳажмини 1963 йилда қутилган бажарилишга нисбатан 1964 йилда 21 процент ва 1965 йилда яна 13 процент, пассажирлар ташишни 1964 йилда 14,6 процент ва 1965 йилда 11,6 процент ошириш кўзда тутилади. Бунинг учун юк автомашиналари ва автобуслар паркини кенгайтириш, автомашиналарнинг иш унумини ошириш талаб этилади.

Республикада икки йил ичида бир минг километрдан кўпроқ автомобиль йўллари қурилади.

Алоқа ишлари ҳажми 1964 йилда етти йилликнинг контроль рақамлари топшириқларидан 25 процент, 1965 йилда эса 32 процент ортади. 1965 йилда радиореле линияси қурила бошлайди. Бу линия Тошкент телевидениеси эшиттиришларини Қарши ва Термизга етказиш имконини беради.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат сарф қиладиган капитал маблағлар ҳажми 1964 йилда шу йилдагига нисбатан 34 процент ва 1965 йилда 15 процент ортади, бир йил ичида ишга солинадиган асосий фондлар миқдори эса 41 процент кўпаяди. Ўзбекистонда капитал маблағларнинг ўсиш суръатлари СССРдаги ўртача кўрсаткичлардан 2—3 баравар ортиқдир.

Капитал маблағларнинг асосий қисми халқ хўжалигининг энг прогрессив ва энг муҳим тармоқларини ривожлантиришга сарф қилинади. Масалан, 1964 йилда капитал маблағ химия саноатида 56 процент, қишлоқ хўжалигида 70 процент, шу жумладан сув хўжалиги қурилишида қарийб 80 процент, енгил саноатда 68 процент, бинокорлик материаллари саноатида 63 процент кўпроқ сарф қилинади. Ишлаб чиқаришга сарф бўладиган капитал маблағларнинг ҳиссаси 1963 йилдаги 69 процентдан 1965 йилда 80 процентгача ортади.

Капитал маблағларни ишга туширилиадиган қурилишларга тўплаш, тугалланмаган қурилишнинг салмоғини кескин суратда қисқартириш кўзда тутилади.

Шу икки йил ичида капитал қурилиш ҳажми шу қадар тез суръатлар билан ўсадики, Ўзбекистон тарихида ҳали бундай аҳвол кўрилган эмас. Бу эса КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг Ўзбекистон ССР экономикасини янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларини яққол кўрсатувчи далилларнинг биридир.

Капитал маблағлар миқдорининг ғоят ортиши улардан энг тўла ва энг самарали фойдаланиш учун, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга тушириш учун, қурилишнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, қурилиш ташкилотларининг ишини яхшилаш учун зиммамизга катта жавобгарлик юклайди.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ТОБОРА ЎСИШИ, ХАЛҚ МАОРИФИ, МАДАНИЯТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Партия ва ҳукуматнинг аҳоли турмушининг моддий ва маданий даражасини янада ошириш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлиги план лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Халқ хўжалигининг юксалишига мувофиқ, икки йил ичида ишчи ва хизматчиларнинг сони 11 процент, иш ҳақи фонди эса 16 процент ортади.

Пенсиялар, нафақалар тўлаш ва ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига бошқа ҳилдаги бепул енгилликлар учун сарфланадиган маблағлар миқдори ортади.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборотининг ҳажми икки йил ичида 17,7 процент кўпаяди, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарнинг оборотининг 18 процент ортади. Савдо шохобчалари 9 процент, умумий овқатланиш шохобчалари эса 12 процент кенгаяди.

Икки йил ичида маданий-маиший товарлар ишлаб чиқаришни 24,2 процент, холодильниклар ишлаб чиқаришни икки баравар, чинни идишлар ишлаб чиқаришни 27 процент, маиший химия товарлари ишлаб чиқаришни икки баравар, мебель ишлаб чиқаришни 17 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кўп даражада ортади.

1964 йилда уй-жой қурилишига давлат томонидан сарфланадиган капитал маблағ 103 миллион сўм бўлади. 816 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни фойдаланиш учун топшириш мўлжалланади. Кооператив уй-жой қурилишини ривожлантиришга катта эътибор берилади, шаҳарлардаги водопроводларнинг қуввати оширилади, канализация ишлари яхшиланади.

1964 — 1965 йилларда халқ маорифини етти йиллик планнинг контроль рақамларидан анча ошириб ривожлантириш кўзда тутилади. 1965 йилда бу йилдагига нисбатан 213 та умумий таълим мактаблари очилади, ўқувчилар сони 243 минг кишига кўпайтирилади. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ўқувчилар сони 44 процент ортади.

Икки йил ичида болалар боғчалари ва яслиларида яна 22 минг ўрин тайёрланади. Давлатга қарашли мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчи болалар сони 241 мингга етади.

1965 йилга келиб олий ўқув юртларидаги студентлар сони 1963 йилдагига нисбатан 20,8 процент, ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар сони эса 24,7 процент кўпаяди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийдиган кишилар сони етти йиллик план контроль рақамларида кўрсатилгандан қарийб 1,5 баравар ортади.

Икки йил ичида кино установкаларни 23 процент, клубларни 7 процент, халқ кутубхоналарини 25 процент кўпайтириш мўлжалланди, матбуот янада ривожланади.

Ўзбекистон Фанлар академияси хусусан химия, электроника, радиотехника соҳасида илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтиради. Ядро физикаси институти, химия институти ва бошқа илмий муассасалар бинолари қурилиши тамомланмоқда.

План лойиҳасида аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш, даволаш муассасалари, дориханалар, курортлар, дам олиш уйлари, инвалидлар ва кексалар уйлари шохобчаларини кенгайтириш ва уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, медицина кадрларини кўпроқ тайёрлаш кўзда тутилади.

Депутат ўртоқлар! 1964—1965 йилги план лойиҳасида энг прогрессив соҳаларни устун даражада ривожлантирган ҳолда халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш кўзда тутилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади юзасидан музокаралар

(Боши биринчи бетда).

— Ўзбекистоннинг пахта кони бўлган Фарғона водисида жойлашган бизнинг заводимиз ишга тушганига бир йилдан сал кўпроқ бўлди. Шу вақт ичида корхонада ажойиб коллектив ташкил топди.

Пленумга хурсанд бўлиб шуни маълум қиламизки, заводимиз коллективи аммиакли селитра ишлаб чиқариш программасини 5 декабрда муваффақиятли бажарди.

— Ўзбекистон олимлари, — деди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **У. О. Орифов**, — КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг химия саноатини жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарорини ғоят хурсанд бўлиб кутиб олдилар, бу қарорларни совет фанини янада ривожлантиришнинг жанговар программаси деб қабул қилдилар.

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш вазифалари ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, дефолиантлар, гербицидлар, ўстирадиган моддалар ишлаб чиқаришга ва булардан тағин ҳам яхшироқ фойдаланишга тааллуқли кўпгина проблемаларни комплекс равишда ҳал қилишни талаб этади.

Ўзбекистон олимлари бир қанча муҳим таклифларни назарий жиҳатдан асослаб, хўжалик органлари билан бирга бу таклифларни саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам жорий қилдилар ёки жорий қилмоқдалар. Айниқса соф чалаўтказгич материаллар ишлаб чиқариш технологиясига доир физиклар таклиф қилган тавсияларнинг халқ хўжалиги учун аҳамияти катта. Чигит тукини тозалайдиган машина яратиб берилди. Бу машина уруғлик чигитни ҳамда химия саноати учун қимматли хом ашё бўлган чигит тукини тежашга имкон беради. Бир қанча мураккаб минерал ва органик-минерал ўғитлар тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Бир қанча қимматли дори-дармонларни қидириб топиш, ўрганиш, ҳосил қилиш ва уларни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишга доир, тупроқ структурасини яхшилаш учун ишлатиладиган полимерли препаратни синтез йўли билан ҳосил қилишга ва синаб кўришга доир, угле гуминли ўғитлар ва аммонийлашган гумофос ишлаб чиқаришга, ғоят самарали дефолиантлар, гербицидлар, ўсимликларни ўстирадиган моддалар ва турли заҳарли химикатлар яратишга доир олиб борилган ишлар диққатга сазовордир.

Бошқа бир қанча муваффақиятларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Лекин қиладиган ишларимиз ҳали кўп.

Ўзбекистон олимлари халқ хўжалигини химиялаштиришнинг катта вазифаларини ҳал қилишга, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун қатиқ бел боғлаганлар ва бунга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

«Чирчиқхиммаш» заводи партия комитетининг секретари **П. Н. Золотарев** сўзга чиқади. КПСС Марказий Комитетининг 1958 йилги май Пленумидан кейин, дейди у, завод коллективи химия ускуналари ишлаб чиқаришни анча кўпайтирди.

Машинасозлар қолоқликдан чиқиб, давлат планларини муваффақият билан бажармоқдалар. Шу йилнинг 11 ойи ичидагина пландан ташқари 380 минг сўмлик ускуна ишлаб чиқарилди. 200 та яқин аппарат ва машина тайёрланиб, химия корхоналарига мудатидан илгари етказиб берилди. Лекин ҳаёт биздан кўпроқ нарса талаб қилаётганлигини тушунамиз.

Партия ташкилоти декабрь Пленуми қарорларини бажаришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирлар яқин кунлар ичида умумий йиғилишда муҳокама қилинади. Шу йиғилишнинг ўзида етти йилликнинг олтинчи йили учун социалистик мажбурият қабул қилинади. Янада яхшироқ ишлаш учун кўпгина тадбирлар кўрилмоқда. Лекин ҳамма нарса ҳам бизга боғлиқ эмас. Планлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Номенклатура плани такрор-такрор ўзгара берганидан кейин ишлаб чиқаришни қандай қилиб йўлга қўйиш мумкин. Бу йил химия ускуналари бўйича номенклатура плани дастлабки юборилган планга нисбатан 50 процентдан кўпроқ ўзгариб кетди. Биз йиллик нагрузка ҳажмидаги номенклатура планини белгилаш биринчи кварталнинг охиригача тугалланишини илтимос қиламиз.

Завод реконструкцияси суст бормоқда. Бу иш қачон тамом бўлишини ҳеч ким айта олмайди. Заводда капитал қурилиш планлари бажарилмаётир. Масалан, ҳозир қурувчилар сира кўринмай қолишди. Бизнинг фикримизча, «Чирчиқхиммаш» сингари завод химиянинг бошқа қурилишлари сингари муҳим қурилишлар қаторида бўлиши керак.

Биз химия ускуналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва жадаллаштириш учун ҳамма ишларни қиламиз.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Р. Абдуллаева**га сўз берилади. Н. С. Хрушчевнинг доклади ва якунловчи нутқи, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарори, — дейди у, — марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришнинг ёрқин мисоли, ғоят катта ижтисодий вазифани моҳирлик билан ҳал этиш намунаси, КПСС XXII съезди қарорларининг изчиллик билан конкрет бажарилаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Комсомол фаолиятига юксак баҳо берилганлиги, Н. С. Хрушчевнинг ёшларга нисбатан оталарча меҳр тўла самимий гапларни айтганлиги Ўзбекистон йигитлари ва қизларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди.

Ёшлар Чирчиқ ва Фарғона, Қўқон ва Самарқанд, Навоий ва Олмалиқ қурилишларида ўз куч ва билимларини аямасдан, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ёшлар янги корпуслар, «ҳосилдорлик заводлари» қурмоқдалар. Корхоналардаги ёшлар ҳам улардан қолишмасдан, пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилган кунда кўпгина комсомол-ёшлар сменалари ва бригадалари ўзларининг оширилган мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон химиклари, қурувчилари ва монтажчиларига юборган табрикномасидан биз Ўзбекистондаги барча меҳнаткашлар билан биргаликда ҳувонмоқдамиз. Партия ва ҳукуматнинг табрикномаси янги меҳнат зафарларига даъват этади, бизнинг олдимизга янада масъулиятлироқ вазифалар қўяди.

Биз ҳамма резервлардан ҳали тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Ҳамма химия қурилишларида меҳнат яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Масалан, Фарғона азотли ўғитлар заводига бинокорлик конструкциялари ва ускуналари етказиб бериш графиги бузилмоқда. Кўпинча лойиҳалаш ташкилотларининг масъулиятсизлиги қўпол хатоларга олиб келмоқда ва кўп ишларнинг қайта бажарилишига сабаб бўлмоқда. Бунга эса, кўп куч ва маблағ сарфланмоқда.

Гербицидлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Пахтачиликда улардан кенг фойдаланиш яхши натижалар бермоқда. Ўрта Осиё машина синаш станцияси ва «Малик» совхозининг тажрибаси шуни кўрсатадики, гербициддан фойдаланилган экин майдонларида бегона ўтлар деярли бўлмайди. Ҳар бир килограмм гербициддан энг самарали фойдаланиш учун гербицидни қўлланиш шартларини, қанча сарфлаш нормасини, унинг оқибатини яхши билиб олиш, далага сепиш учун мосламалар тайёрлаш керак.

Қишлоқ хўжалигига химияни татбиқ этишнинг мислсиз авж олганлиги кенг омманинг химия билимлари асосларини ўрганишларини талаб қилади. Самарқандликларнинг химия ўқишини ташкил этиш тажрибасини Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети маъқуллади. Министрлик ҳамма областларда ана шундай ўқишни йўлга қўйиш тадбирларини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумини ишонтириб айтишга руҳсат бергайсизки, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги системасидаги меҳнаткашлар коллективи КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қўйган вазифаларни шараф билан бажаради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1964—1965 ЙИЛЛАРДАГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1962 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. М. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Республика Олий Советининг иккинчи сессияси етти йилликнинг бешинчи йили тугаётган пайтда ўтмоқда. Етти йилликнинг бешинчи йили бизнинг мамлакатимиз учун коммунизм қурилишида янги катта ғалабалар қўлга киритилган йил. Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати янада тантана қилган йил бўлди.

ССР Иттифоқи Олий Совети яқинда қабул қилган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йиллардаги Давлат плани ва СССР Давлат бюджети коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларини кўзда тутади.

Барча совет кишилари билан бирга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Республика саноатининг ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари жуда катта ғалаба қозондилар. Бу йил улар давлатга 3.686 минг тонна «оқ олтин» топширдилар, бу эса ўтган йилдагидан қарийб 700 минг тонна кўп. Пахта тайёрлаш плани ва мажбурияти ошириб бажарилди. Республика давлатга дон, қорақўл тери, пилла, каноп пояси, тамаки, тухум, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари муддатидан илгари адо этди.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1963 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ БАЖАРИЛИШИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

1963 йилда Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети дастлабки маълумотларга кўра даромадлар бўйича 100 процент ва харажатлар бўйича 99,6 процент, даромадлар харажатлардан 9 миллион 921 минг сўм ортиқ бажарилмоқда.

Оборот солиғи ҳамда давлат корхоналари ва ташкилотларининг фойдаларидан ажратмалар республика бюджетининг даромадларида асосий ўрин тутади. Ана шу тушумлар бу йил 1 миллиард 42 миллион 800 минг сўмни ташкил этади. Оборот солиғи плани 101,2 процент бажарилади, пландан ташқари 8.938 минг сўм тушади. Шу билан бирга, айрим министрликлар ва бошқармалар бўйича фойдалардан ажратмалар юзасидан бюджет олдидаги мажбуриятларнинг 6.807 минг сўм кам бажарилиши кутилади.

Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг Ўзбекистон ССРдаги корхоналари бюджет олдидаги мажбуриятларини бир миллион сўм, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги 3.006 минг сўм, Алоқа министрлиги 400 минг сўм кам бажармоқда.

Халқ хўжалиги кенгашининг Ўзбекистон ССР да жойлашган корхоналари олдига қўйилган вазифаларнинг амалда ҳал этилиши уларга 1963 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини ва меҳнат унумдорлигини ошириш планини ошириб бажариш, пландa белгиланган таннархига нисбатан маблағларни тежаб қолиш имконини берди. Аммо, хўжаликнинг ҳамма тармоқлари мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланганларида эди бундан ҳам каттароқ натижаларга эришиш мумкин бўлур эди.

План умуман бажарилгани ҳолда, республикада 139 корхона, шу жумладан Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгашига қарашли 54 корхона 11 ойлик ишлаб чиқариш программасини бажармади. Улар 11.6 миллион сўмлик кам маҳсулот бердилар. Меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган топшириқни шу давр ичида 65 корхона бажармади.

Халқ хўжалиги кенгашининг кўпгина корхоналари таннарх ва жамғармалар бўйича планларни бажармаётирлар. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида 215 та ана шундай корхона бор эди. Улар жамғарма тўплаш плацини бажармадилар ва пландан ташқари қарийб 32 миллион сўм зарар кўрилишига йўл қўйдилар. Умуман олганда Халқ хўжалиги кенгашининг Ўзбекистон ССРдаги корхоналари жамғармалар планини 13,4 миллион сўм кам бажардилар. Унумсиз харажатлардан келган юқолгарилик натижасидагина бюджетга 6,6 миллион сўм кам фойда тушди.

Республика матлубот кооперацияси системаси (Ўзбекбирлашув) бюджетга кўп пул берадиган ташкилотдир. 1963 йилда матлубот кооперацияси ташкилотлари бюджетга 13.791 минг сўм даромад солиғи киритишлари керак эди, аммо ҳақиқатда фақат 12.287 минг сўм киритилади. Матлубот кооперациясининг даромад солиғи плани 1962 йилда ҳам бажарилмай қолди.

Ваҳоланки, матлубот кооперацияси ўз ишини яхшилаш ва бюджет олдидаги мажбуриятларини бажариш учун ҳамма шарт-шароитга эга.

Республиканинг қурилиш ташкилотлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш юзасидан шу йилнинг 9 ойида топшириқни умуман бажарган бўсалар ҳам барибир 225 пудратчи қурилиш ташкилотларидан 89 таси қурилиш-монтаж ишларининг планда белгиланган қиймати 4.543 минг сўм оширилишига йўл қўйдилар. Узглавстройда бу иш айниқса қониқарсиздир.

Узглавстройга қарашли 6-қурилиш трести қурилишнинг таннархини 1963 йилнинг 9 ойи мобайнида 4,98 процент ошириб берган.

Таннархни камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармаётган қурилиш ташкилотлари Сув хўжалиги министрлигида ва Главташкенстройда ҳам бор.

Резервлардан энг яхши фойдаланиш планлаштиришнинг ташкил қилинишига ва практикасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ваҳоланки, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотлари ҳамда республика Молия министрлиги ўтказган текширишларнинг материаллари кўп ҳолларда планлаштиришнинг савияси паст эканлигини кўрсатиб турибди.

Баъзи корхоналарга маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар асоссиз равишда камайтириб берилади.

Айрим корхоналарга меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан топшириқлар ҳам имкониятлардан анча паст қилиб планлаштирилган. Планли зарар кўрувчи корхоналар бўйича зарарлар миқдорини планлаштиришда ва оборот маблағларини планлаштиришда ҳам жиддий камчиликлар бор.

Хўжаликларнинг ички резервларини аниқлашда, сўм билан контроль қилишни амалга оширишда молия органлари муҳим роль ўйнайди. Улар 1963 йилда бу соҳада муайян ишларни қилдилар. Молия-хўжалик фаолиятига доир турли масалалар юзасидан бу йил саноат корхоналарида 116 текшириш, қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва корхоналарида 838 текшириш ўтказилди. Бюджет муассасаларида ва қишлоқ Советларида кўп ревизия ва текширишлар ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг харажатлари 1963 йилда планга нисбатан 99,6 процентни ташкил этади. Халқ хўжалигини маблағ билан таъминлашга 616 миллион 510 минг сўм ва социал-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлашга 726 миллион 819 минг сўм сарфланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1964—1965 ЙИЛЛАРДАГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг 1964-1965 йиллардаги Давлат бюджетини Олий Совет муҳокамасига ва тасдиғига ҳавола қилмоқда. Давлат бюджети халқ хўжалигини ривожлантириш планига тўла мувофиқлаштириб тузилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг айрим қарорларида кўзда тутилган тадбирлар учун зарур маблағлар ажратиш бюджет лойиҳасида ҳисобга олинган.

Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, халқ хўжалиги плани билан бюджет ўртасидаги боғланиш анча мустаҳкамланган ва ҳар иккаласи ўзаро мослаштирилиб, ўзаро алоқадорликда тузилди.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджети 1964 йил учун даромадлар ва харажатлар бўйича 1 миллиард 602 миллион 619 минг сўм ва 1965 йил учун 1 миллиард 775 миллион 875 минг сўм миқдорида белгиланди. Бюджетнинг харажатлари 1963 йилда кутилаётган ижросига нисбатан 1964 йилда 9,1 процент ва 1965 йилда 1964 йил планига нисбатан 10,8 процент ортиқ бўлади. Партия ва ҳукуматнинг Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини тинмай ривожлантириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги бу рақамларда ёнинг ёрқин ифодасини топган.

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ

Давлат бюджети даромадларининг асосий турлари қуйидаги миқдорларда белгиланди:

	минг сўм ҳисобида 1964 йил	1965 йил
1. Социалистик хўжаликдан олинадиган даромадлар	1468198	1632665
Шу жумладан:		
оборот солиғи	868768	916106
фойдадан ажратмалар	319446	433790
Колхозлар ва кооперациядан олинадиган даромад солиғи	146809	136725
Давлат страхованиеси маблағлари	112091	122486
2. Аҳолидан олинадиган давлат солиқлари	90183	96667

Шундай қилиб, давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларидан бюджетга тушадиган даромадлар 1964 йилда 1963 йилдагидан 195 миллион сўм кўпайиб, бюджетдаги умумий даромадларнинг 91,6 процентини ва 1965 йилда 91,9 процентини ташкил этади. Даромадларнинг бу тарзда ошишига сабаб шуки, ишлаб чиқариш, товар оборoти ўсади, шунингдек хўжалик ичидаги жамғармалар кўпаяди.

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

Давлат бюджетидаги маблағларнинг умумий миқдоридан 1964 йилда халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларга 1517254 минг сўм ёки 94,7 процент ва 1965 йилда 1684006 минг сўм (94,8 процент) пул ажратиш кўзда тутилган. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кучли суратда юксалтириш, прогрессив тармоқлар ва корхоналарнинг устун даражада ўстириш, қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни жадал ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада ошириш соҳасида республика олдига қўйилган вазифалар давлат бюджетидаги маблағларнинг тақсимланишида ўз аксини топди.

Халқ хўжалигининг асосий тармоқларини давлат бюджети маблағлари билан қуйидаги миқдорларда таъминлаш планлаштирилди:

	1964 йил	1963 йилда кутилаётган ижросига нисбатан процент ҳисобида	1965 йил	1964 йил планига нисбатан процент ҳисобида
	минг сўм ҳисобида			
Халқ хўжалигига жами	742585	120,4	859488	115,7
шу жумладан:				
саноат ва қурилишга	222846	120,9	260537	116,9
қишлоқ хўжалигига	292968	135,7	352265	120,2

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Капитал қурилиш — коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш учун олиб борилаётган умумхалқ курашининг энг муҳим соҳаларидан биридир. 1964—1965 йилларга планлаштирилган капитал ишларнинг каттагина программасини пул билан таъминлаш учун зарур маблағлар ажратиш республика бюджетида кўзда тутилган.

Қурилишдаги оборот маблағларнинг ўсиб бориши шартлигини назарда тутиб, ана шу ишларни 1964 йилда 876 миллион сўм, шу жумладан бюджет ҳисобидан 545 миллион сўм ва 1965 йилда 1007 миллион сўм, шу жумладан бюджет ҳисобидан 650 миллион сўм маблағ билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

Химия индустриясига, нефть ва газ саноатига каттагина маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг химия саноатини устун даражада ривожлантириш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон ССРнинг 1964—1965 йиллардаги халқ хўжалиги плани ва бюджети кўрсаткичларида ўзининг тўла ифодасини топди. Химия саноатидаги капитал ишларни маблағ билан таъминлашга 1964 йилда 57,7 миллион сўм ва 1965 йилда 86,6 миллион сўм, икки йил учун эса, 144,3 миллион сўм, ёки 1963 йилдагига нисбатан қарийб 3,8 баравар кўп пул ажратилади.

Қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағлар анча кўпайтирилади. 1964 йилда қишлоқ хўжалигига 306,5 миллион сўм ёки 1963 йилдагига нисбатан 70 процент кўп, 1965 йилда 373,5 миллион сўм, икки йилда эса 680 миллион сўм капитал маблағ сарфланади.

Капитал маблағлардан ғоят омилкорлик билан тежаб-тергаб фойдаланиш, энг кўп натижага эришиш ва вақтдан ютиб қолиш керак. Маблағларни, моддий ресурсларни, кадрларни қурилишдаги ҳал қилувчи соҳага омилкорлик билан тўплаб бериш капитал қурилишда асосий вазифа ҳисобланади.

Республикада битказилмага и қурилишлар ва ускуналарнинг запаслари анча кўпайиб қолган бир шароитда бу вазифани тезроқ амалга ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги уч йил ичида битказилмаган қурилишлар қарийб 40 процент кўпайиб, 1963 йил 1 январгача 425 миллион сўмга етиб қолди. Ана шу давр ичида ўрнатилмаган ускуналарнинг қолдиқлари 21,3 миллион сўмликдан 38,7 миллион сўмликкача ёки 80 процентдан зиёд, шу жумладан нормативдан ташқари қолдиқлар уч баравар кўпайди. Бу қолдиқлар 1963 йилда янада кўпая берди. 1964 йил 1 январгача 465 миллион сўмлик қурилишнинг битказилмай қолиши кутилмоқда, 1 октябргача эса 39,9 миллион сўмлик ускуналар запаси бор эди.

Стройбанк ва Давлат банки муассасалари капитал маблағларнинг самарасини оширишда катта роль ўйнашлари керак. Улар капитал маблағларнинг тўғри йўлга сарфланишига, бу маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланилишига эришмоқлари, ёмон ишлаётган қурилишларга ва қурилиш ташкилотларига молиявий таъсир ўтказишни кучайтирмоқлари зарур.

Корхона ва ташкилотларнинг тўхтовсиз ишлаши учун 1964 йилда уларнинг ўз оборот маблағлари нормативини 63,2 миллион сўм ва 1965 йилда 85,1 миллион сўм кўпайтириш кўзда тутилди.

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлашга 1964 йилда 774669 минг сўм ва 1965 йилда 824518 минг сўм ажратиш кўзда тутилган. Ана шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар икки йилда 97699 минг сўм ёки 13,4 процент кўпаяди.

Халқ маорифига, кадрлар тайёрлашга, фан ва маданиятга 1964 йилда бюджетдан 409178 минг сўм ва 1965 йилда 433879 минг сўм харажат қилинади. 1964 йилда соғлиқни сақлаш ишларига бюджетдан 180293 минг сўм ёки 1963 йилдагидан 5,2 процент кўп маблағ ажратиш кўзда тутилади. 1965 йилда бу мақсадга 189443 минг сўм сарфланади. Ана шу маблағлар аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга, даволаш — профилактика муассасалари шохобчасини кенгайтиришга харажат қилинади. Кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат нафақалари тўлаш харажатлари 1964 йилда 56640 минг сўм ва 1965 йилда 61720 минг сўм бўлади. 1964 йилда социал таъминотга 127458 минг сўм ва 1965 йилда 138376 минг сўм сарфланади.

БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ

1963 йилда бошқарув аппаратини ва шу аппаратни сақлаш харажатларини қисқартиришдан 8865 минг сўм тежаб қолинди. 1964—1965 йилларда бу харажатлар бошқарув аппаратини янада такомиллаштиришни назарда тутган ҳолда белгиланди.

Давлат бошқарув органларини ва суд органларини сақлашга 1964 йилда 26954 минг сўм ёки 1963 йилда кутилаётган харажатлардан 222 минг сўм кам пул ажратиш ва 1965 йилда 26892 минг сўм пул ажратиш планлаштирилди.

Айни маҳалда шуни айтиш керакки, бошқарув аппаратининг айрим звеноларида ҳали ҳам ортиқчаликларга йўл қўйилмоқда. Бошқарув аппаратини янада такомиллаштириш, ихчамлаштириш ва арзонлаштириш зарур.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

Ўзбекистон ССР давлат бюджети лойиҳасига Тошкент шаҳрининг, областларнинг ва Қорақалпоғистон АССРнинг маҳаллий бюджетлари қуйидаги миқдорда киритилди:

	минг сўм ҳисобида 1964 йил	1965 йил
Тошкент шаҳри	111267	111569
Тошкент области:		
Меҳнаткашлар депутатлари саноат область Совети	29968	33436
Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ область Совети	41696	44580
Сирдарё области	32790	35508
Фарғона области:		
Меҳнаткашлар депутатлари саноат область Совети	31516	34839
Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ область Совети	28719	30630
Андижон области:		
Меҳнаткашлар депутатлари саноат область Совети	27528	29663
Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ область Совети	44673	47077
Самарқанд области:		
Меҳнаткашлар депутатлари саноат область совети	27336	29712
Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ область Совети	38430	41022
Бухоро области	37361	40112
Сурхондарё области	57108	60392
Хоразм области	23313	25147
Қорақалпоғистон АССР	42165	43792

Маҳаллий бюджетларнинг муттасил кўпайиб бораётганлиги хўжалик ва маданий қурилишда уларнинг роли янада ошаётганлигидан далолат беради.

Министрлар Совети 1964—1965 йиллардаги бюджет билан бир қаторда 1962 йилги Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни Олий Совет тасдиғига ҳавола қилмоқда. Республиканинг 1962 йилги давлат бюджети даромадлар бўйича 1363856 минг сўм ва харажатлар бўйича 1330360 минг сўм миқдорида бажарилди, яъни даромадлар харажатлардан 33496 минг сўм ошиб кетди.

Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон меҳнаткашлари 1964—1965 йиллардаги халқ хўжалигини ривожлантириш планини ва давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун, мамлакатимизда коммунизмнинг тўла тантанаси йўлида Совет Иттифоқидаги қардош халқларнинг шонли оиласида янада зўр ғайрат ва сиёсий активлик билан меҳнат қила берадилар. (Қарсаклар).

* Доклад қисқартирилган стенограмма бўйича эълон қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

БУТУН КУЧНИ ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК!

УЛКАН ВА ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Бугун Тошкент шаҳар XVI партия конференцияси очиладди. Бу конференция пойтахтимиз партия ташкилоти ҳаётида катта воқеадир. XV шаҳар партия конференцияси бўлиб ўтганидан бери орадан икки йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида мамлакатимиз, партиямиз ва совет халқи ҳаётида ғоят катта ва муҳим воқеалар бўлиб ўтди. КПСС XXII съезди ва партия Программаси билан қуролланган, бу тарихий ҳужжатларнинг илҳомбахш ғоялари билан руҳланган совет кишилари бутун прогрессив инсониятнинг асрий орзуси — коммунистик жамиятни барпо этиш йўлидаги курашни барча жабҳалар бўйича кенг авж олдириб юборишдилар. Республика пойтахтидаги барча партия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналиши ва мазмуни ҳам ана шу тарихий ҳужжатларда белгиланган улкан вазифаларни амалга оширишга қаратилди.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти республика партия ташкилотининг энг илғор, уюшган ва жанговар отрядларидан биридир. Унинг куч-ғайрати, ташаббуси, ташкилотчилик фаолияти туфайли, КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг яқиндан кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги туфайли Тошкент Ўрта Осиёнинггина эмас, балки Иттифоқимизнинг энг йирик саноат, фан ва маданият марказига айланди.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб саноат, транспорт, қурилиш ташкилотлари, илмий-текшириш муассасалари ҳамда ўқув юртлари ишларида конкретроқ ва ишнинг кўзини билган ҳолда раҳбарлик қилабошладилар. Партия раҳбарлигининг форма ва методлари тинмай такомиллаштириб борилди. Буларнинг ҳаммаси ўз самараларини берди. Шаҳар саноати етти йилликнинг контроль рақамларида белгиланганига қараганда анча ортиқ суръатлар билан юксалиб бормоқда.

Партия ташкилотлари омма ўртасидаги ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар савиясини ошириб техникани тараққий эттириш, идеология ишларини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Ҳисобот даври мобайнида қолоқ корхоналар сони кескин равишда камайди. Лекин афсуски, планни бажармаётган, давлат олдида қарздор бўлиб қолаётган корхоналар ҳали ҳам бор. Чунончи, шаҳардаги 16 корхона шу йилнинг 11 ойлик планини бажармади, 34 корхонада эса маҳсулот таннархи белгиланганига нисбатан анча ортиб кетди. Саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларида унумсиз харажатлар ҳали ҳам кўп. Жумладан, ўтган йили шаҳар корхоналарида брақдан кўрилган зарар 2 миллион 200 минг сўмни ташкил этди. Капитал қурилишга ажратилган маблағларни ўзлаштириш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Бу камчиликларни тезда тугатиш керак.

Шаҳар партия ташкилоти коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, янги кишини тарбиялаш соҳасида жуда катта иш қилди. Лекин пойтахт коммунистлари олдида янада улкан ва янада масъулиятлироқ вазифалар турибди. Бугун очиладиган шаҳар партия конференцияси хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги тажрибалари умумлаштиради ҳамда янги талаблар асосида партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология соҳасидаги ишларини ҳар тарафлама тахлил этади, олдимизда турган ғоят катта вазифаларни шараф билан амалга оширишнинг конкрет йўл-йўриқларини ишлаб чиқади.

Тошкент шаҳар партия конференцияси бутун партия, бутун совет халқи коммунизм қурилишининг янги марраларини эгаллаш учун ғоят катта қурашга отланган бир пайтда тўпланди. Яқиндагина ўз ишини тугатган КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда ҳамда халқ фаровонлигини янада оширишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилди. Пленум кўрсатиб ўтдики, давлат ва халқ манфаатлари, коммунистик жамият қуриш манфаатлари химия саноатини улкан одимлар билан ривожлантиришни, халқ хўжалигида техникани тараққий эттириш суръатларини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва халқ истеъмоли товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун химия мўъжизаларидан кенг равишда фойдаланишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленуми ҳам декабрь Пленуми якунларига бағишланди. Табиийки, конференция делегатлари бу муҳим масалага катта эътибор берадилар ҳамда Пленум қарорларини қандай қилиб тезроқ амалга ошириш тўғрисида фикр алмашадилар.

Партиямиз совет кишиларини етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга даъват қилмоқда. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланган совет халқи коммунизмнинг янги марраларини эгаллаш иштиёқида зўр ғайрат ва шижоат кўрсатмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, республика пойтахти — Тошкент коммунистлари ўзларининг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятларини янада оширадилар ва мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этишдек шарафли ишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

КОЛЛЕКТИВИМИЗ ЮТУҒИ

Коллективимиз меҳнатсеварлари етти йилликнинг бешинчи йилини меҳнат зафарлари билан якунладилар. Ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, техникадан унумли фойдаланиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш натижасида 19 декабрдаёқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни шараф билан бажардик. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан 152 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг ўтган 11 ойи давомида товар маҳсулотлари таннархи 45 минг сўмга арзонлашди. Бу ютуқларга эришишда Х. Неъматов, С. Мирхонов, А. Ким ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари зўр ғайрат ва шижоат кўрсатишди.

Аҳил коллективимиз йил охиригача яна 96 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

М. МИРҚОСИМОВ.
Тошкент ипакчилик фабрикаси директори.

КОММУНИСТЛАР ОЛДИНГИ САФДА

Фабрикамиз партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети июнь Пленумидан кейин идеология ишларида қатъий бурилиш ясади. Илгарилари жуда кўплаб лекцилар ўтказар, уларга кўпроқ кишини қатнаштиришга ўринар. дик. Сиёсий ишлар ўтказилган лекциялар сонига қараб баҳоланарди. Бундай декларативчиликка энди барҳам бердик. Бироқ бундан лекциялар ўқишни тўхтатиб қўйдик, деган маъно чиқмаслиги керак. Лекциялар, докладлар ўтказилиб турибди. Аммо биз асосий кучни ана шу лекция ва суҳбатларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратдик.

Яқинда фабрикамиз ошхонасида бир воқеа рўй берди. Қурилиш бригадасининг ишчиси Л. исмли қиз вилкасини конга арта-бошлади. Қилинган таъбеҳга жавобан:

— Пулимга сотиб олганимдан кейин нима қилсам ўзим биламан,—деди, кўполлик билан у.

Кабинетга чақириб қилинган суҳбатда маълум бўлдики, у қиз иш нормасини ҳам бажармас, прогулчи экан. Жамоатчилик асосида ишлайдиган маориф кабинети мудири ўртоқ Л. Тутаева бу қиз билан кўп суҳбатлашди. Оилавий аҳволлари билан танишди. Тўғри, бу ишга пропагандистимиз ўртоқ Тутаевaнинг кўп вақти кетди. Лекин натижа яхши бўлди. Ҳозир Л. смена нормаларини бажармоқда.

Биз идеология қуролларининг барча турларидан фойдаланмоқдамиз. Сиёсий ўқиш тўгараклари, лекция пропагандаси, партия активи мактаби ва пропагандистлар семинарлари мунтазам ишлаб турибди.

Бу йил партия маорифи шохобчаси доирасини анча кенгайтирдик. 34 тўгарак, 2 коммунистик тажриба мактаби, комсомолларнинг 8 сиёсий тўгарагида машғулотлар мунтазам ўтказилиб турибди. Ой сайин пропагандистлар семинарини чақириб, уларга консультациялар уюштирилмоқда.

Фабрика директори Л. Арушанов бошлиқ «билим» жамиятининг 30 кишидан иборат лекторлар группаси цехларда, бригадаларда тез-тез лекция ва суҳбатлар ташкил этиб туришади.

Кишиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдор қилишга катта эътибор бераётирмиз. Ойда бир марта социалистик мусобақалар якунланади. Илғорларга кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти берилади. Шу йилнинг ўзида 200 дан ортиқ киши пул мукофоти, 100 киши мақтов қоғозлари билан мукофотланди. Ўтказилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар кишиларимизни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишларини таъминламоқда. 21 бригада коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга эга. 205 киши коммунистик меҳнат зарбдорларидир. 51 бригада, 350 дан ортиқ ишчи ана шу номни олиш учун курашмоқда.

Олиб борилган сиёсий-тарбиявий ишлар конкрет рақамларда намоён бўлмоқда. Корхонамизда йиллик план 25-декабрдаёқ барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Меҳнатсевар коллективимиз йил охиригача планга қўшимча равишда 80 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Коммунистларимиз бу мажбуриятни бажариш учун бошланган курашнинг олдинги сафида бормоқдалар.

С. АЮПОВ,
1-пойафзал фабрикаси партия комитетининг секретари.

Саноатимиз машъали, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушукур Қодиров 1931 йилдан бери Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводида намунали меҳнат қилиб келмоқда. Корхонада унинг таълимини олган, ёрдамида ҳунар ўрганган ёшлар оз эмас. Устоз А. Қодиров ҳозир ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда, кунлик, ойлик, топшириқларни ортиғи билан адо этишда бошқаларга ўрнак. Ҳамкасблар турли маслаҳатлар билан унга мурожаат қилишади, маслаҳатлар олишади. Завод ветерани Абдушукур ака жон-дили билан уларга ёрдам беради. Суратда: 2-механика цехи токари ўртоқ А. Қодиров иш устида.

М. КОМЛЕВ фотоси.



«Инженерлик соати» ташаббускори бўлган Тошкент экскаватор заводи коллективи Тошкент шаҳар партия конференциясини муносиб совғалар билан кутиб олишди. Завод техника интеллигенцияси бу йил экскаваторга сарф бўладиган вақт ва маблағни тежашга қаратилган мингга яқин таклиф киритди. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида кўплаб миндорда иқтисодий фойда олинмоқда. Завод коллективи ишлаб чиқарайтган экскаваторлар шу кунларда иттифоқимиздан ташқари Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ўндан ортиқ мамлакатларга ҳам жўнатиляпти. Суратда: навбатдаги экскаваторлар партияси жўнатишга ҳозирланмоқда

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХИМИЯНИ ЮКСАЛТИРИШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Яқинда Куйбишев район партия конференцияси бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг иштирокчиси ўртоқ **Х. Хўжаевнинг** «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунлари ва район партия ташкилотининг вазифалари» ҳақидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Докладчи ва музокарага чиққан нотиқлар партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлигини, у барча партия ташкилотлари, шаҳар ва қишлоқларнинг ҳамма меҳнаткашларига химия саноатини янада ривожлантириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, химия маҳсулотлари ва материалларидан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш учун курашнинг конкрет программасини белгилаб бергалигини таъкидлашди.

Район меҳнаткашлари химия саноатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

«Ташкенткабель» заводида химиявий материаллардан фойдаланиш намунали йўлга қўйилган. Полимер материаллар, пластмассалар турли кабеллар тайёрлашда кенг ишлатиляпти. Корхонада пластмассалардан фойдаланиш туфайли 1963 йилда 12 минг тонна қўрғошин тежаб қолинди. Бу эса ўтган йилдагига қараганда беш баравар кўпдир. Лак-бўёқ заводида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу туфайли ҳам етти йилликнинг ўтган беш йили мобайнида корхона маҳсулот тайёрлашни 45 процент кўпайтириб, 40 га яқин янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирди. Граммпластинка заводи коллективи йиллик планни 6 декабрдаёқ адо этди.

Районда бир қанча машинасозлик корхоналари бор. Лекин бу заводларда полимер материаллар, пластмассалардан кенг фойдаланиш масалаларига етарли эътибор берилмаётир. Ваҳоланки, ана шу материалларни ишлатиш эвазига ҳар йили кўплаб қимматбаҳо рангли металларни тежаб қолиш мумкин. Масалан, шу йилнинг ўтган ўнбир ойи мобайнида «Ташсельмаш» заводида бор-йўғи 6 та, экскаватор заводида 4 та, «Ўзбекхлопмаш» заводида 2 та детални пластмассадан тайёрлаш йўлга қўйилган.

Кўпгина саноат корхоналаридаги лабораториялар ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг фойдаланиш масалалари билан, жуда қониқарсиз шуғулланяпти. Масалан, 2-ёғочсозлик заводи, «Ўзбекбирлашув»нинг ёғочсозлик комбинати ва савдо асбоб-ускуналари заводида худди шундай бўлмоқда. Бу корхоналарнинг партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ёғоч чиқиндиларини қайта ишлаб, улардан рационал фойдаланишни эларига ҳам келтирмаётирлар.

— Тез суръатлар билан юксалиб бораётган халқ хўжалигимиз кўплаб лак ва бўёқлар ишлаб чиқаришни таҳоза қиляпти, — дейди музокарада сўзга чиққан Тошкент лак-бўёқ заводининг технологи ўртоқ **Юсупов.** — Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорида бу алоҳида таъкидлаб ўтилган. Коллективимиз ана шу кўрсатмалардан тегишли хулосалар чиқариб олди. Биз лак-бўёқ тайёрлашда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлатишни камайтиришга алоҳида эътибор берамиз.

«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари ўртоқ **Рудьюк** машинасозликда пластмасса ва капрондан фойдаланишни кенгайтиришга ҳалақит бераётган камчиликлар ҳақида гапирди. Аввало, дейди нотиқ, пластмасса ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Чунки, ҳозирги вақтда биз ана шундай маҳсулотлардан жуда кам олаяпмиз. Бу эса пластмасса деталларини кўпайтириш имконини бермаётир. Нотиқ республикада пластмасса деталлари тайёрлайдиган ихтисослашган завод ташкил этиш зарурлигини айтди.

Музокарага чиққан бошқа нотиқлар ҳам химиянинг ажойиб мўъжизалар кони эканлигини кўрсатувчи кўплаб мисоллар келтиришди. «Ташкенткабель» заводининг директори ўртоқ **Сафонов** кабеллар ишлаб чиқаришда полиэтилен ва хлорвинил тобора кенг фойдаланилаётганлиги, бу жуда катта иқтисодий фойда келтираётганлиги ҳақида батафсил гапириб берди. Кабеллар қобиғини шундай материаллардан тайёрлаш ишлаб чиқаришни конвейерлаштириш, механизациялаш ва автоматлаштириш учун жуда катта имконият яратди очиб берди. Иккита поток линияси ишга туширилди. Бу линияларда барча процессдар автоматик бошқарилади. Бир инженер ва техник унга хизмат қилади.

Тошкент фармацевтика институтининг доценти **Ҳамидхонова**, Тошкент политехника институти партия комитетининг секретари **Левита** ўртоқлар химик олимлар олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, химик олимларнинг эҳтиёжлари ҳақида муфассал гапириб бердилар.

Шунингдек, граммпластинкалар заводи пресслочиси **Ануфриева**, «Таш ҒРЭСстрой» бошқармаси бошлиғи **Лев**, «Ташавтомаш» заводи комунистик меҳнат зарбдори **Турғунбоев**, Сирдарё областидаги Киров район ижроия комитетининг раиси **Каримов** ва бошқа ўртоқлар ҳам музокаларда сўзга чиқдилар.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Қ. М. Муртазоев** нутқ сўзлади.

Конференция муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди ва Тошкент шаҳар партия конференциясига делегатлар сайлади.

ЗАРБДОРЛАР КОЛОННАСИ

Машинист Вадим Соколовский тўғрисида кўп эшитгандим. Бировлар унинг оғир юкли поездларни осонлик билан бошқаришни мақтаса, бошқалар ёнилғини тежаб қолишга усталигини айтишарди. Мен бу мақтовларга ишонсам ҳам,унинг маҳоратини ўз кўзим билан кўргим келиб юрардим. Яқинда Вадим билан биргаликда йўлга чиқиб, ҳақиқатан ҳам моҳир машинист эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Машинист Тошкентдан қабул қилиб олган составнинг оғирлиги нормадагидан 300 тонна ортиқ эди. Поезд Ховосга ўз вақтида етиб борди. Қайтишда у нормада белгиланганидан 152 тонна оғирроқ поездни бошқарди. Тошкентга ҳам графиксдан кечикмай етиб келдик. Ҳисоблаб кўрсак, шу икки рейснинг ўзидаёқ 252 килограмм ёнилғи тежалибди. Қизиқ, ишонасану, ҳайрон қоласан киши. Йўқ, фақат четдан қарагандагина ҳайрон қолиш мумкин. Аслида бунинг унчалик позик сири йўқ. Вадим Соколовский Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби И. Г. Бескровний раҳбарлигидаги кафедраси томонидан ишлаб чиқилган режим картасига биноан ишлайди. Бу режим ёқилғини тежашнинг энг қулай усули-кинетик энергиядан унумли фойдаланиш учун тўла имконият яратиб беради. Соколовский бу усулда ишлаб, йил бошидан бери 33,5 тоннага яқин ёнилғи тежади.

Киши, бир зум изланишдан, ўрганишдан тўхтаб қолса, эришган ютуқларни ҳам қўлдан чиқариб юбориши мумкин. Соколовский — илғор машинист. Аммо у бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳозир у 2-класс машинисти бўлиш учун имтиҳон топширмоқда. Вадим ўз тажрибасини ёшларга иштиёқ билан ўргатади.

Тошкент тепловоз депосининг В. Берлинер бошлиқ комсомол-ёшлар колоннасида бундай илғорлар оз эмас. Ёш машинист Г. Валиаҳмедов йил бошидан бери 26,5 тоннага яқин суюқ ёқилғини тежади. Авваллари ёнилғини керагидан ортиқ сарфлаб келган А. Токарский, Л. Касряненко, Н. Котякин каби машинистлар ҳам энди илғорлар сафига ўтдилар.

Колонна коллективи сўнгги икки ойнинг ўзида 136,5 тоннадан ортиқ ёнилғини тежаб қолиб, оғир юкли поездларда нормадан ташқари 206531 тонна халқ хўжалик юклари ташидилар. Тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига ҳар бирининг оғирлиги 3000 тонна бўлган 194 та поездни Тошкентдан Ховосгача бошқариб бориш мумкин. Пландан ташқари ташилган юклар учун эса қўшимча равишда 70 га яқин состав керак бўлур эди.

Комсомол-ёшлар колоннаси йиллик планни муваффақиятли якунламоқда. Янги йил коллективга янги ғалабалар келтиришига ишончимиз комил.

А. КОМИССАРОВ.
Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлиммасининг жамоатчи-инструктори.

ЖАМОАТЧИЛИК КИНО СОВЕТИ

Пойтахтимизнинг Навоий номли кинотеатрида жамоатчилик асосида кино Совети тузилган. Совет аъзолари тўққиз кишидан иборат бўлиб, улар корхона ўқув юртлари ҳамда турли муассаса ҳамда «Зарафшон», «Бируний», «Қоратош», «Гулистон» маҳаллаларидаги жамоатчилар билан биргаликда аҳолига намунали кино хизмати кўрсатиш соҳасида иш олиб бораётирлар. Улар томошабинлар учун қизиқарли темаларда бир неча лекция ва суҳбатлар, кино санъати арбоблари билан учрашувлар ва турли тематик кечалар ўтказишни ташкил қилдилар.

Кинотеатрда, шунингдек болалар дирекцияси ҳам тузилган. Бу ерда мактаб ўқувчилари учун алоҳида репертуар бўйича бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлар намойиш қилинади. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси аҳоли ўртасида кино пропагандаси ишида яхши натижалар бермоқда.

Р. УСМОНОВ,
Н. ХУЖАЕВ,
М. ХАЛИЛОВ.

БИНОКОРЛАР СОВҒАСИ

Шаҳримиз жамоли кун сайин очилиб бораяпти. Чилонзор, Оқтепа, Болгарские огороди массивларида қад кўтараётган кўркам бинолар кишининг баҳри —дилини очади. Ҳозиргача бу шинам квартираларда минглаб оилалар ҳовли тўйлари ўтказишди. Шу уйларда янги — 1964 йилни кутиб оладилар. «Главташкентстрой» бинокорлари кишилар дилини буйчалик шод қилишда бу йил озмунча ғайрат қилишмади. Қурувчилар ўтган ойларда деярлик 190 минг квадрат метр турар жой биносини қўлдан чиқаришди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 42 минг квадрат метр кўпдир.

Р. ХОЛИТОВ,
«Госсредазстрой» старший инженери.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистени Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 4-БЕТ, 28 ДЕКАБРЬ 1963 ИИЛ.

Р. 11486. ИНДЕКС 64695 Нашр. № 1753.